DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-09 Pages: 66-79

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



EVOLUTION OF ARAB NATIONAL IDENTITY IN LITERATURE: SOCIO-CULTURAL AND CRITICAL ANALYSIS

Khilola A. Yuldasheva
Associate Professor, Doctor of Philological Sciences (DSc)
Higher School of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
Email: hilola_75@mail.ru
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: literary criticism, national identity, identity, Arabic literature.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: This article analyzes the evolution of the image of Arab national identity in literary texts, its connection with the socio-political context, and the role of literature in the construction of national consciousness. An attempt is made to comprehensively consider how the problem of national identity is reflected and comprehended in the works of Arab literary critics. It also analyzes national identity as one of the key issues that are actively explored within the framework of modern Arab literary criticism and theory.

АДАБИЁТДА АРАБ МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ: ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ВА ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Хилола А. Юлдашева
Доцент, филология фанлари доктори (DSc)
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Email: hilola_75@mail.ru
Ўзбекистон, Тошкент,

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: адабий танқид, миллий идентиклик, ўзига хослик, араб адабиёти.

Аннотация: Мазкур мақолада адабиётшуносликка оид асарларда араб миллий идентиклиги образининг бадиий матнлардаги эволюцияси, ижтимоий-сиёсий контекст билан боғлиқлиги, миллий онгнинг шаклланишида адабиётнинг ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий

идентиклик масаласи араб адабиётшуносларининг асарларида қандай акс эттирилганлиги ва таҳлил қилинганлигини ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилинади.

ЭВОЛЮЦИЯ АРАБСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ В ЛИТЕРАТУРЕ: СОЦИОКУЛЬТУРНЫЙ И КРИТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Хилола А. Юлдашева
Доцент, доктор филологических наук (DSc)
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: hilola_75@mail.ru
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: литературная критика, национальная идентичность, самосознание, арабская литература.

Аннотация: В данной статье анализируются эволюция образа арабской национальной идентичности в художественных текстах, ее связь с социально-политическим контекстом, роль литературы в конструировании национального сознания. Предпринимается попытка комплексного рассмотрения того, как проблематика национальной идентичности отражается и осмысляется в трудах арабских литературоведов. А также анализируется национальная идентичность как одна из ключевых проблем, которые активно исследуются в рамках современной арабской литературной критики и теории.

Кириш

Араб адабиётидаги танқид адабий анъананинг ўзи каби қадимий бўлиб, шоирларнинг оммавий чиқишлари ҳамон томошабинлар томонидан дарҳол баҳоланиши мумкинлиги бугун ҳам кўплаб араб жамиятларининг ажойиб хусусияти ҳисобланади. Араб танқиди, публицистикаси ва адабиёт тарихи маданиятнинг араб мавзуси доимий муҳокама қилинадиган жиҳати сифатида мавжуд. Адабий ўз-ўзини англашнинг шаклларидан бири — танқид, айниқса, ёзувчиларнинг ўзларининг танқидий ва эстетик матнлари, баёнот ва манифестларини танқид қилишдир. Уларда ривожлантирилган яхлит ҳодиса сифатидаги араб адабиёти, унинг хусусияти, миллий онг ҳақидаги ғоялар — романтиклар Жуброн Халил Жуброндан тортиб символистлар Абдураҳмон Шукрий ва бошқаларгача давом этган узоқ тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Сўнгги ўн йилликларда миллий ўз-ўзини идентификация қилиш, империяча онг мифологияси ва мафкурасини ўрганиш ҳамда турли маданий амалиётларда акс эттириш бугунги гуманитар фанларда қизиқиш уйғотмоқда. Кўпгина тадқиқотчилар миллий идентикликни тиклаш учун бадиий адабиёт матнларига мурожаат қилишади, аммо адабий шарҳлар, тарихий-адабий нутқлар ҳамон тадқиқотлар доирасидан четда қолмоқда. Миллий идентиклик ҳозирги араб адабий танқиди ва назариясида жадал ўрганилаётган асосий масалалардан биридир. Бу XX аср давомида мустамлакачиликка қарши кураш, миллий давлатлар барпо этилиши ва глобаллашув каби омиллар таъсирида араб идентиклиги ҳақидаги тасаввурлар тубдан ўзгаргани билан боғлиқ.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Араб тилидаги биринчи китоб бўлмиш Қуръони карим нозил бўлганидан бери араб адабиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Буни мусулмон ҳамда насроний арабларнинг оғзаки ва ёзма нутқида, ифода услуби ва усулида ҳам кўриш мумкин. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳадисларининг ёзиб олиниши тарихчиларга у зотнинг ва ҳатто баъзи саҳобаларининг ҳам таржимаи ҳоли ёзилиши учун манба бўлган. Фиқҳ ва ислом ҳуқуқи Қуръон ва ҳадислардан ўзлаштирилган, кейинчалик Уммавийлар даврида эса аниқ тарихий, ҳуқуқий ва диний мавзуларда рисолалар ёзилган. Уларнинг барчаси ҳадис ёзиш услуби таъсирида яратилган бўлиб, кейинчалик ёзилганларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ровийлар силсиласи акс эттирилган. (URL: http://www.islamicity.com/).

Қуръон матнини ёзма шаклга келтириш, ваҳийнинг турли вариантларини қатъий бир вариантда саралаш, исломгача бўлган оғзаки шеърий ижодда лисоний намуналар излашни давом эттириш ва ровийларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш жараёнлари танқидий хулосалар чиқариш ва қадр-қиммат қоидалари қарор топтирилишини ўз ичига олган.

Натижалар.Араб тилидаги адабий танқиднинг дастлабки матнларида шоирларни “даражалаш” жараёни ҳам акс этган, бу эса табақа (“синф” ёки “даража”)ларни аниқлашдек кенгроқ жараённинг бир қисмидир. Ана шундай асарлардан дастлабки иккитаси ал-Асмоий ва унинг шогирди Ибн Саллам ал-Жумаҳийга тегишли. Охирги “Машҳур шоирлар табақаси” асарида шоирлар даврлар бўйича ҳам, мавзулар бўйича ҳам таснифланган, аммо ундаги хулосалар ҳеч бир қоида билан асосланмаган. Уларнинг ворислари ана шу мезонлар ва уларнинг назарий асосларини тақдим этишларига тўғри келди. Масалан, Ибн Қутайба (828–889) ўзининг IX аср шоирлари тўпламига машҳур сўзбоши ёзган. “Китоб аш-шиър ва аш-шуаро” (“Шеър ва шоирлар ҳақида китоб”) асарида у қадимги шеъриятни эски бўлгани учунгина олий деб ҳисоблаб бўлмайди, деган фикрни билдирган.

Ибн Қутайба шеърият ҳақидаги қарашларини шуубийларга зид нуқтаи назардан ифодалаган. Ибн Қутайба асарнинг бадиий қиймати мезонларини ишлаб чиқишга уринган

биринчи танқидчидир. Ҳар қандай классицизм сингари у ҳам қадимий шеъриятни афзал кўрган, аммо қадимий шеъриятга ҳам, замонавий шеъриятга ҳам бир хил мезон асосида баҳо бериш керак, деб ҳисоблаган. Қадимги араб шеърияти қонунлари бизга худди одат сингари, шеърий амалиёт жараёнида ўз-ўзидан шаклланган маълум бир услублар мажмуи сифатида кўринади. IX асрдан бошлаб уларни англаш ва тизимлаштиришга, шунингдек, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга эҳтиёж юзага келади.

Халифаликнинг қадимги бадавийлар анъаналаридан бехабар аҳолиси азалдан мавжуд анъанавий маданиятга қўшилишлари учун уларга аниқ таърифлар керак бўлган. Гарчи бу таърифлар араб тилида ёзилган шеърият қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлса-да, уларни юнон фалсафий тафаккури таъсирида таҳлилий тушуниш мумкин бўлган. VIII–IX асрларда адабий танқиднинг бошланишига Абу Убайда (728–825) ва ал-Асмоий (тахм. 739–830 йиллар) каби тилшунослар асос солган. Улар шеърий асарларни жамлаб ўрганганлар, уларнинг ҳақиқийлигини, сўзларнинг қадимий маъноларини аниқлаганлар, матнни тилшунослик ва тарих фани нуқтаи назаридан шарҳлаганлар. Кўпинча улар ўз мулоҳазалари учун асос қилиб исломгача бўлган шоирларга замондош қадимги араблар анъаналарида сақланиб қолган баҳоларни олганлар. Айни вақтда улар ислом жорий бўлишидан аввал яшаб ўтган ва ўзларининг илмий изланишларида фойда берадиган шоирларнигина тан олишган, янги шоирлар билан шуғулланмаганлар. Куфий тилшунос Ибн ал-Арабий (ваф. 754) янги шеъриятда ҳеч бир ижобий жиҳат йўқ, деб ҳисоблаган. (Abd al-Hamid Hindawi 200, p. 32)

XX аср бошларида араб адабий танқиди асосан эски анъаналарга амал қилган, яъни асосий эътиборни матнлар ва уларнинг вазифаларига, лингвистик ва эстетик таҳлилга қаратганлар. Адабий жанрларнинг ўзлари каби, бу танқидий мерос ҳам эндиликда Европа адабиётининг анъаналари билан тўқнашди. Араб дунёсидан чиққан талабалар таҳсил олиш учун Европага жўнатилган, аммо уйларига мутлақо бошқача маданий муҳитни, роман, қисса, адабий драма сингари янги адабий жанрлар ҳақидаги таассуротлари ҳамда адабий ижодни баҳолашга турлича ёндашувларни олиб қайтишган. Улар дуч келган Европа романтизмнинг ҳамда ундан кейинги фалсафий мактабларнинг кучли таъсирида бўлган. Якка шахс овозини ифодалашда бундай эстетиканинг роли ортиши араб шоирларига ўзининг жўшқинлиги билан бўрттиришга мойил ва тегишли ҳомийлик тизимига эга бўлган панегирик шеърият сиртмоғидан чиқиб кетишлари учун ажойиб имконият берди. Шоирнинг жамиятдаги роли аста-секин ўзгариб борди, минтақанинг сиёсий ҳаётида миллиятчилик туйғуларининг (хоҳ панараб, хоҳ маҳаллий бўлсин) намоён бўлиши ана шу тенденцияларга қўшимча турткиберди.

Миср жамиятининг янги ва энг янги даврдаги маънавий-маданий ҳаётини тавсифловчи эстетик ғояларнинг шаклланиши ҳамда ривожланишида адабий танқид муҳим роль ўйнади. XIX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган янги типдаги адабий-танқидий фикр Миср бадиий маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшди. Ёзувчиларга ҳам, китобхонларга ҳам қаратилган танқидлар муаллифларни эстетик изланишларга йўналтириб, бадиий ижод ривожига, китобхон дидини шакллантиришга хизмат қилди. Мисрдаги адабий-танқидий фаолиятнинг ўзига хослиги шундаки, у асосан ёзувчилар муҳитида ривожланган. Деярли Иккинчи жаҳон урушигача адабиёт тадқиқотчиларининг вазифаларини кўпинча адибларнинг ўзлари бажарган. Урушдан кейин мамлакатда адабиётга илмий ёндашувчи профессионал танқидчилар авлоди шаклланди. Фаннинг турли соҳалари – тарих, фалсафа, психология, тилшунослик – ютуқларига асосланган профессионал танқид эндиликда мустақил ижод турига айланди. Мисрда бадиий адабиёт ҳодисаларини таҳлил қилишнинг хилма-хил усуллари орасида “ҳақиқий” деб аталувчи танқид етакчи ўринни эгаллади. Миср адабиётининг реализм сари ҳаракатланиши билан боғлиқ ушбу тенденциянинг дастлабки кўринишлари Миср ўз тараққиётининг янги тарихий босқичига қадам қўйиб, ижтимоий-маданий юксалиш (“ан-Наҳда”)ни бошидан кечираётган XIX–XX асрлар маърифатпарвар адибларининг адабий-танқидий фикрларидаёқ намоён бўлди. Миср адабий саҳнасида ёзувчиларнинг Тавфиқ ал-Ҳаким, ака-ука Муҳаммад ва Маҳмуд Теймурлар, Маҳмуд Тоҳир Лашин, Яҳё Ҳаққий, ака-ука Исо ва Шиҳота Убайдлар каби янги авлоди пайдо бўлди.(Formative structuralism and… 2005, p. 18) Шунингдек, бу даврда адабиётшунослик соҳасида Журжи Зайдан, Муҳаммад Абдуҳ, Рифоа Рафи ат-Тахтавий сингари зиёлилар етакчилик қилишди. Улар адабиёт ва танқидни янгилаш зарурлигини таъкидлаб, адабиёт ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек адабиётни оммалаштириш масалаларига эътибор қаратдилар. Миллий идентиклик муаммолари кўтарилди.

Энг катта ислом университети ал-Азҳарни тамомлаган Шайх Рифоа Рофий ат-Тахтавий (1801–1873) Миср ҳукмдори Муҳаммад Али томонидан Францияда таълим олиш учун жўнатилган бир гуруҳ мисрлик ёшлар таркибида 1828–1831 йилларда Парижда бўлган. У ерда устози, машҳур шоир ва стилист Ҳасан ал-Атторнинг маслаҳатига кириб, 1834 йилда Қоҳирада “Парижнинг қисқача тавсифидан зар олиш” китобининг катта қисмини ёзади. Ат-Тахтавий ўз асарида Парижда ўқиган чоғида танишган француз маданияти ва илм-фанига оид кузатишлари билан ўртоқлашади. У китобхонларни ўз маданий идентиклигини йўқотмасдан Европа цивилизацияси ютуқларини ўзлаштиришга ундайди.

Ат-Тахтавий бу асарга катта аҳамият беради: у “барча мусулмон халқларни уйқудан уйғотиши” кераклигини таъкидлайди (Formative structuralism and… 2005, p. 20) Рифоа ат-Тахтавий ўз асарида европаликлар ҳаёти билан мисрликларнинг қолоқ турмуш тарзини қиёслаб, саёҳат таассуротларини батафсил баён қилади. У ўрта аср араб шоирларидан вазиятга мос келадиган ёрқин ва ранг-баранг иқтибослар келтиради, Париж шаҳрининг кўча ва боғларини, байраму балларини, аёллар модасини ва шу кабиларни тасвирлайди, лекин Париж ахлоқи ҳақида бироз киноя билан гапиради.

Ат-Тахтавий театр ва саҳна санъатига жуда кўп эътибор қаратади, бунда театрнинг нафақат ташқи томони, балки спектаклларининг тарбиявий аҳамияти ҳам унинг эътиборини тортади. Уни технологик тараққиёт ва европаликларнинг бу соҳадаги фаоллиги ҳам ҳайратга солади. Шундай қилиб, Рифоа ат-Тахтавий ўз ватандошлари онгига янгилик киритади, айни вақтда маърифий мафкуранинг асосий қоидаларини ифодалаб беради. Булар: замонавий билимларни эгаллаш орқали янгиланиш ҳамда ўз анъаналарига ҳурматни сақлаб қолган ҳолда уларни такомиллаштириш.

XX аср бошларида мисрликлар ўзлари учун қатъий парадигмаларни белгилаб бўлган эдилар; Мисрнинг аксар етакчи ёзувчи ва танқидчилари ўзлари риоя қилишлари керак бўлган баъзи “кодекслар” бўйича келишиб олдилар. Уларда, Маҳмуд Теймур ёзганидек, “бизнинг тилимизда сўзлашувчи, руҳимиз ва ҳис-туйғуларимизни ифодаловчи ҳамда адабиётдаги урф-одатларимизнинг асл қиёфасини тўғри акс эттирувчи “Миср адабиёти” бўлиши керак. Қолаверса, у бизнинг жисм ва руҳимизни ифодалаши лозим”(Mahmoud Taymour, 1925, p.10)

Шунингдек, бу даврда кўпгина араб ёзувчилари Ғарб ҳукмронлиги таъсирида йиллар давомида юзага келган, ёки мажбуран киритилган инерциядан сўнг маданий ва ақлий мустақилликка эришишга қаратилган узоқ ва машаққатли иш билан шуғулланган эди.

Бу ёзувчилар бадиий ижоднинг бошқа шакллари қатори адабиёт ҳам инсоннинг ўзини намоён этши учун, айниқса, ўз маданий идентиклигини яхшироқ ифодалашга интилаётган кишилар учун кучли восита эканлигини яхши англаган. Улар, хусусан, “жамоавий тасаввурни ифодалашнинг муҳим шакли сифатида романнинг ижтимоий таъсири ошиб бораётганини” (Methods of literary…2007, p.56) кузатдилар ва араблар ана шу йўлда қаттиқ интилаётганларга киришларини тушундилар. Ёзувчилар ўзларининг идентиклиги ҳақида қайғурдилар ва дунёга ўзларининг ким эканликларини кўрсатиш орқали ўз маданияти ва идентиклигини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар.

Мисрда бу вазифани бир гуруҳ ёзувчилар бажарган, улар орасида Нажиб Маҳфуз алоҳида ажралиб туради. У Мисрнинг бой маънавий меросини, ҳар бир қарич ерини тиклашга ҳаракат қилди. Танқидчилар бир киши яратган замонавий араб бадиий

адабиётидаги буюк асар муаллифи Нажиб Маҳфуз ўз мамлакати воқеликларини тасвирлашда турли услубий стратегиялардан фойдаланганини аллақачон тан олишган. Бу стратегияларнинг ҳаммаси икки асосий йўналиш — Мисрнинг "қадимги даврини" репрезентация қилиш ва "ҳозирги даврини"(Khafaji, Abdel Moneim 2001, p. 47) тиклашдан иборат. Унинг кўплаб танқидчи ва тарихчилар ажнабийлар хукмронлигига қарши кучли миллий ғурур асосида қабул қилган ўз юртининг қадимий тарихига бўлган қизиқишини эрта болаликдан онаси тарбиялаган. Унинг онаси пирамидалар, Сфинкс ва Қоҳира антикварлари, айниқса, мумиёлар хонаси музейига иштиёқи баланд бўлган.(Modern literary criticism, 1986, p. 12) Ҳолбуки унинг қадимги Миср тарихига илк қизиқиши 1931 йилда Жеймс Бейнинг "Қадимги Миср" асарини таржима қилиб, эълон қилганида аниқ ифодасини топган эди. Миср тарихининг бойлигига бўлган бу муҳаббат унинг онгига чуқур таъсир кўрсатди ва "Хуфу донолиги" (1939), "Радопис Нубиан" (1943) ва "Фивлар уруш ҳолатида" (1944) дея номланган дастлабки учта романида адабий ифодасини топди. Ушбу асарлар Нажиб Маҳфузнинг "тарих ҳақидаги давомли ҳикояларни ривожлантириш"да етакчи шахс сифатида обрў топишида ёрдам берди.(Mehrez Samia, 1994, p. 82)

Нажиб Маҳфуз ўзининг "Қоҳира трилогияси"да "ҳозирги" давр ҳақида сўз юритади, бу, албатта, муаллифнинг Қоҳира аҳли ҳаётини чуқур ўрганиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли, асар баъзан Миср тарихидаги ўша қалтис даврда гувоҳи бўлинган ижтимоий ўзгаришларни ҳужжатлаштирадиган тарихий номадек ўқилади. Нажиб Маҳфузнинг ҳозир Мисрда ҳукм сураётган воқеалар ҳақидаги чуқур мулоҳазалари миллий идентикликни қайта қуриш ва англаш жараёнига жалб қилинган халқнинг ҳаётийлигини намойиш этишга хизмат қилди. Ишнинг асосий йўналишларини ўрганиш инсоннинг танловини очиб беради, бу унинг Миср фуқароси эканлиги билан фахрланадиган ҳақиқий мисрлик сифатидаги қарашлари контекстида кўриб чиқилиши керак. Бироқ бу ҳол Нажиб Махфузни ўзининг дахлдорлик ҳиссини намойиш этиб, тантанавор бўлиб қолишга васваса қилмади. У ўз халқининг "меҳрибонлари" сафида туриб ҳаракат қилди, унинг муваффақиятларини шарафлади, энг муҳими, муваффақиятсизликларини танқид қилди.

"Қоҳира трилогияси" асосан бир қанча маъно қатламларига эга. Бир томондан, унда оила достони акс этган, оила ва унинг аъзолари якка ҳолда ва жамоада ўсиши, муносабатларининг ривожланиши кўрсатилади. Бошқа томондан, бу шунчаки бир воқеа тавсифи эмас, балки асарнинг қадри шундаки, биз ўзимизга барча романлар реал ҳаётнинг қайсидир қирраларини акс эттирувчи хаёлий реконструкция эканлигини эслатганимизда улар воқеликни тўлиқ ифодалай олмаслигини ҳам унутмаслигимиз керак. Нажиб Махфуз қуруқ социологик ҳисобот ҳам, ҳатто ўз мамлакати тарихининг фалсафий таҳлилини ҳам

ёзмаган, акс ҳолда бадиий асардек таъсирли бўлмас эди. Бунда гап у таниган ҳамда ақли ва қалби билан боғланган одамлар ҳақида боради.

“Қоҳира трилогияси”нинг хаёлий “реализм” асари сифатидаги муваффақияти баъзи танқидчиларни “унинг аллегорик ўлчови бой берилган” ва “маънонинг яширин даражаси умуман топилмай қолиши мумкин” деган фикрга олиб келди.(Milson M, 1998, p. 133) Шубҳасиз, бу тахминнинг асослилиги шубҳа уйғотади. Бу давр сиёсий ва мафкуравий ларзаларга бой бўлганидан ташқари, мисрлик китобхонлар Нажиб Махфузнинг реал ва рамзий жиҳатларни ижодий уйғунлаштиришига имкон берган нозик ҳикоячилик усулларини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаган.

Мисрлик китобхонлар ҳар доим ўз жамиятидаги очиқ ва пинҳоний ҳодисаларнинг нозик томонларини жамоавий билишга таянган ва шу боис танқидчилар китобхонларнинг рамзийликни, гарчи у вақтинчалик бўлса ҳам тушуниш қобилиятига ишонишлари керак. Шундай экан, танқидчилар “Қоҳира трилогияси” матнини ўша даврдаги реал воқеалар оқибатларини ёритш орқали кўриб чиқишлари керак.

Аллегория, афтидан, ижтимоий ва сиёсий ҳокимият ҳақида қарор топган тасаввурларга жиддий ва қаттиқ қаршилик кўрсатиш ҳамда бу билан муқобил ечимларни кўрсатишнинг ягона воситаси эди. Нажиб Маҳфуз ўзининг роман ва ҳикояларида мисрликларнинг бой ўзига хослигини мисли кўрилмаган тарзда тақдим этган. Унинг мавзуларида Қоҳира аҳолисининг ҳаёти батафсил тасвирланган ва шу боис Миср муҳитини унутилмас қилган. Мисрликлар ва умуман арабларга уларни ер билан яксон қилишга ҳар қандай уринишларга қаршилик кўрсатиш учун энг муҳим воситалардан бирини берган айнан Нажиб Маҳфуз эди.

Адабий танқид атроф-муҳитнинг ролини — Тавфиқ ал Ҳакимнинг “Руҳнинг қайтиши” романи билан 1919 йилда бўлган инглизларга қарши қўзғолон арафасидаги Миср воқелиги ўртасидаги боғлиқликни — ўрганиш учун кенг имкониятлар очадиган вақт омилига катта аҳамият берди. Тавфиқ ал-Ҳаким ўзинг ижоди — маълум бир давр меваси ва маълум бир муҳит маҳсули эканлигини қайта-қайта эътироф этган. Романнинг бир қанча саҳифалари бағишланган қўзғолон воқеалари асарда унинг қахрамонларининг шахсий ҳаёти кечган ташқи муҳит вазифасини бажаради. Бу қўзғолонда Миср халқининг миллий ҳамжиҳатлиги муаллифига яқин бўлган ғоялар, мисрликларга қадимдан хос бўлган бирдамлик ва ўзига хослик руҳининг тикланиши яққол намоён бўлади.

Танқидчилар Тавфиқ ал-Ҳаким ушбу романида араб адабиёти учун муҳим бўлган Шарқ ва Ғарб, анъаналар ва янгиланиш ўртасидаги тўқнашув мавзусини кўтарганини ҳам таъкидлаганлар. Бош қаҳрамон — Америкадан қайтиб келган мисрлик йигит образи даврнинг марказий бадиий образларидан бирига айланди. Мунаққидлар Тавфиқ ал-

Ҳакимнинг “Руҳнинг қайтиши” романига ёзган тақризларида муаллиф кўтарган маданий идентиклик мавзусига ҳам эътибор қаратганлар. Бу асарнинг сюжетини ҳам араб, ҳам европалик танқидчи ва адабиётшунос олимлар чуқур ўрганиб, миллий идентиклик ва ўзига хослик муҳитининг романда акс этиши каби ғояларга алоҳида урғу берганлар. Танқидчиларнинг якдил фикрига кўра, романда ёзувчининг ҳаётидаги даврлардан бири акс этган. Аҳмад Хайкал, Муҳаммад Умар, Иса Адҳам, Иброҳим ал-Амин каби танқидчиларнинг фикрича (Curricula of literary…2008, p. 27), романнинг бош қаҳрамонларидан бири бўлган таъсирчан, ҳар нарсага қизиқувчан, мусиқага меҳр қўйган ўсмир Муҳсин образида Тавфиқ ал-Ҳаким ўзини ифодалаган; муаллиф ва унинг қаҳрамони, Иззиддин ал-Аминнинг сўзларига қараганда, бир хил фикрлашади, бир хил ҳис қилишади, бир хил орзу қилишади.

Таъкидлаш жоизки, автобиографизм, танқидчилар қайд этганларидек, Тавфиқ ал-Ҳакимнинг нафақат “Руҳнинг қайтиши” асарида, балки “Шарқдан келган қуш”, “Вилоят терговчисининг хотиралари”, “Умр қамоқхонаси” ва “Ҳаёт ранги” каби романларида ҳам мавжуд — буларнинг бари ёзувчи ҳаётининг турли босқичларини у ёки бу даражада ҳаққоний акс эттирган бир занжир ҳалқаларидир.

Танқидчилар ёзувчи юклаган вазифани бевосита ёки билвосита бажарадиган асар қаҳрамонларининг романдаги роли қанчалик катта аҳамиятга эгалигини қайд этганлар. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, “Руҳнинг қайтиши” асаридаги персонажлар маълум бир вазифани бажаради, чунки уларнинг асарда келтирилишидан кўзланган мақсад ўқувчига муаллифнинг у ёки бу қарашларини етказишдир; улар аввало муаллиф ғояларининг рамзи сифатида ишлайди; улар аслида романда тасвирланган ижтимоий воқеликда эмас, балки муаллифнинг онгида яшайди ва ҳаракат қилади.

Ёзувчи асарнинг биринчи қисмида тасвирланган Қоҳирада яшовчи оила аъзолари ўзларини “халқ” деб аташларининг ўзи кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Товфиқ ал-Ҳаким Миср халқини оддий ва содда қилиб тасаввур қилгани, унинг қаҳрамонлари эса ана шу тасаввурни тасдиқлаши ҳақида фикр билдирилган. Аммо бошқача фикр ҳам бор эди. Таҳа Бадр, Аҳмад ал-Қатиъ, Абдулла ал-Раи сингари кўпгина танқидчилар(Modern literary criticism,1986, p. 41)романда тасвирланган оддий Қоҳира оиласида мисрликларга хос чинакам миллий идентикликни ўзида мужассамлаштирган араб жамиятини кўрмадилар. Хусусан, улар бош қаҳрамон образида ўша даврнинг ўқимишли араб ёшларига хос маданий идентиклик инқирози акс этганини таъкидладилар.

Танқидчилар Тавфиқ ал-Ҳаким бирлашиш ва уйғониш ғояларини, айниқса қишлоқ эпизодларида, романтик жиҳатдан юксак тасвирларда ифодалаганини; қишлоқ воқелиги уларнинг тафаккурини тубдан ўзгартирганини таъкидлашган. “Руҳнинг қайтиши” асарида

келтирилган деҳқонлар ҳақиқий деҳқонлар эмас; муаллифнинг романтик тасаввурида улар Мисрнинг “абадий руҳи” ва ўзига хослигидир.

Фаластинлик ёзувчи ва адабиётшунос танқидчи Жабра Иброҳим Жабранинг қайд этишича, “Ғарб давлатлари ўз ҳукмронлиги остида араб давлатларини яратишга уринаётган бир пайтда араблар ўзлигини яхшироқ тушунишга интилдилар ва шу тариқа араб дунёсининг “ҳозирги” даври бошланди”(Jabra J. I. 1971. p. 87). Унинг фикрича, Европа янги ташкил этилган Миллатлар Лигасининг рухсати билан анъанавий араб ерларини босиб олаётган пайтда “араблар нафақат ўзларининг қадимий тарихидан, балки Ғарб халқларининг янги тарихидан ҳам илҳомланган халқ бўлиб қайта туғилдилар. Француз инқилоби ғоялари, Англия либерализми ва парламент демократияси, Италия ва Германиянинг бирлашуви – буларнинг бари тақлид учун намуналардир. Бироқ, бу “ўзликни излаш”, айниқса 2001 йилдан кейин араблар ва араб давлатларининг дунёда тутган ўрни борасидаги бундай интилишлар, араб дунёсида бугун ҳам мавжуд бўлган, кўп жиҳатдан араблар ва Ғарб ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда “цивилизациялар тўқнашуви” билан белгиланадиган доирада кечмоқда.

Шу нуқтаи назардан, арабларнинг модернизацияга интилиши билан боғлиқ ниҳоятда муҳим маданий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни тушуниш учун адабиётнинг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ван Леувеннинг(Modern literary criticism, 1986, p. 52) таъкидлашича, адабий матнларни таржима қилиш ёки маданиятлар ўртасида тарқатиш сиёсий фаолият бўлиб, у нафақат маданий, тарихий ва сиёсий муносабатларни, балки маданий идентификация ва ўзини намоён қилиш масалаларини ҳам қамраб олади.

Қайд этиш жоизки, драма араб дунёсида илк бор Ғарб адабиётининг таржимаси сифатида пайдо бўлган. Шундан кейингина Аҳмад Шавқий, сўнгра Тавфиқ ал-Ҳаким каби муаллифлар ўз драмаларини ёзиш орқали бу жанрни ривожлантирган.(Van Leeuwen R. 2004, pp. 14-25) Кўпчилик адабий танқидчилар адабиёт шаклларидаги бундай ўзгаришларни, европача риторик моделларнинг жорий этилишини, Европада яратилган асарларнинг араб тили ҳамда бошқа кенг тарқалган мусулмон турк ва форс тилларига кенг таржима қилинишини араб адабий анъаналари ўлиб бораётганининг аломати сифатида кўрсатадилар(Alkire S, 2007, p. 102). Ҳолбуки, Жабра Иброҳим Жабра бугун араб адабиётида уйғониш даври бўлаётганини қатъий туриб уқдирган эди.

Бадиий таржималар ҳокимият муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳукмрон ва гегемон жамиятлар ўртасида зиддиятлар яратиш ва уларни кучайтиришга ёрдам беради. Араб адабий асарларининг Европа тилларига таржимаси, аслида, “араб идентиклиги тўғрисида ҳақиқий дискурс пайдо бўлишига тўсқинлик қилган бўлиши мумкин, чунки идентиклик масаласи тўлиғича Европа концепциялари нуқтаи назаридан кўриб чиқилган”(

Hughes M. A. 2011, p. 32). Шубҳасиз, идентиклик кўз илғамас концепция ва статик ҳолат эмас, балки динамик жараёндир. Узлуксиз конструкция сифатида идентиклик ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги тажрибалар натижаси бўлиб, “идентификация жараёнини қуриш ва талқин этиш” учун инсонни тарбиялашга ва унинг ҳаётий тажрибасига асосланади, улар онгли ёки онгсиз равишда бизда дахлдорлик туйғусини шакллантириш учун ҳаракат қилади.

Ана шу сабабларга кўра, идентиклик тўлиғича инсон назоратида эмас, балки маълум даражада бошқаларни идрок этишга таяниши керак, бунда ушбу идентикликни инсонга бошқалар берганми ёки бу одам ўз идентиклигининг бошқалар томонидан тан олинишига интиладими – бунинг аҳамияти йўқ. Шу сабабларга кўра, идентиклик контекстга ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга анча боғлиқ бўлиб, “ўз ичида ҳам, жамиятга нисбатан ҳам ҳокимиятга нисбатан яратилади ва ўзгартирилади”. Шарқшунослик ва таржима ўртасидаги муносабатга келсак, Донйа Тоғиддиннинг ёзишича, “Ғарб кўпинча Шарқдан иқтисодий фойдаланиш билан чекланмайди, балки Шарқнинг норасолигига оид афсонани абадийлаштириш учун Шарқ воқеаларидан фойдаланади ва Шарқ ҳақида адабий дискурслар яратади” (Hughes M. A. 2011, p. 35).

Таржима жараёнида концепциялар, мазмун ва ҳатто сарлавҳалар ҳам янги аудиторияга мўлжаллаб мослаштирилиши мумкин. Бу иш стереотипларни таъкидлаши ва янада мустаҳкамлаши мумкин. Масалан, Навал ал-Саадавийнинг “Момо Ҳавонинг пинҳоний чеҳраси” романи дастлаб “Ал-Важҳ ал-ари лил мара ал-арабийя” деб номланган бўлиб, сўзма-сўз таржимаси “Араб аёлининг очиқ юзи” деган маънони англатади. Янги инглизча сарлавҳа романга бутунлай янгича маъно беради ҳамда ниқоб кийдирилган ва қулликка солинган ожизалар сиймосини яратади. Танқидчиларнинг таъкидлашича, асарнинг асл номи “араб аёли дунёга юз очгани ва озод бўлганидан далолат беради”(Amireh A., 2000, p. 27), таржима қилинган сарлавҳа эса “араб аёллари беркитиб қўйилганини кўрсатади” (Amireh A., 2000, p. 27), бу эса асар номини ҳам, араб аёлларини ҳам экзотиклаштиради.

Танқидчилар арабча нашрдаги бутун бошли боблар инглизча таржимада йўқолиб қолаётганини ҳам таъкидлашган. Хусусан, Навал Ал-Саадавий аёлларнинг капитализм томонидан эксплуатация қилинишини танқид қилган, социалистик иқтисодий ва сиёсий тизим яратиш ғоясини илгари сурган “Аёлларнинг уйдаги меҳнати” ҳамда “Араб аёллари ва социализм” номли иккита боб “Момо Ҳавонинг пинҳоний чеҳраси” китобига киритилмаган. Шунингдек, асар таржимасида араб аёллари тенг ҳуқуқлиликни талаб қилишда америкалик ва европалик аёллардан олдинда экани, улар араб аёллари эришган

ютуқларни шарафлаётгани ҳамда озодлик урушларига аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш чораси сифатида қарашга ундовчи парчалар етишмаяпти.

Навалал Саадавий ва унинг асарларидаги феминизмдан Ғарбнинг араб дунёси устидан ҳукмронлигини оқлаш учун фойдаланиши янада хавфлироқ ғоядир, — дея давом этади Тағиддин. Бунда ёрдам берадиган ва уни кучайтирадиган дискурс Яқин Шарқнинг “асоратга солинган” аёлларини озод қилишдек аниқ мақсадни кўзлаб Ғарбнинг Яқин Шарқда қайта ҳукмронлигига ҳисса қўшиши мумкин. Ёзувчи ва танқидчи Амал Амирнинг таъкидлашича, “Ал Саадавий ва унинг арабча феминистик асарлари ғарб китобхонлари томонидан араб маданиятининг стереотиплари билан тўйинган контекстда қабул қилинади. Қабул қилишнинг бу контексти асосан муаллиф ва унинг матнларини биринчи дунёнинг араб аёлларига ўтказилаётган зулм тўғрисидаги сценарийси бўйича қайта ёзиш билан якунланади.

Амал Амирнинг сўзларига кўра, Ғарб нафақат “Момо Ҳавонинг пинҳоний чеҳраси” асарини, балки Навал ал Саадавийнинг ўзини ҳам нотўғри талқин қилган, яъни аслида қадимги анъаналарни давом эттирган муаллифни аёллар ҳуқуқларининг яккаю ягона ҳимоячиси сифатида кўрсатган, унинг ислом дини аёлларга Иброҳимнинг бошқа икки динидан ортиқ зулм қилмагани ҳақидаги гапларининг бир қисмини яширган. Ғарб муаллифнинг социалистик мафкурани тан олганлигини ҳам, шунингдек, араб аёлларининг озодлик ва эркаклар билан тенг ҳуқуқлиликка интилишлари жараёнида эришган ютуқларини эътироф этганлигини ҳам эътиборсиз қолдирган. Бошқача айтганда, Ғарб араб аёлларининг жабрдийда сифатидаги ролига ҳамда фақат паранжиси ва ҳарамига эътибор қаратишни лозим топган(Amireh A, 2000, p. 30).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, миллий идентиклик — XX–XXI аср араб адабий танқидининг асосий муаммоларидан бири. Араб адабиёти ривожининг мустамлакачиликдан кейинги даврида бу масала айниқса долзарб тус олди. Ёзувчи ва танқидчилар ўзларининг маданий идентиклигини қайта аниқлашга уриниб, ғарблашувнинг бузғунчи тажрибаси ҳақида фикр юритмоқдалар. Анъанавийлик ва модернизм тарафдорлари ўртасида миллий адабиётни ривожлантириш йўллари борасида баҳс-мунозаралар бор. Бир қатор асарлар араб зиёлиларининг маданий идентиклиги инқирозини ифодалашда тимсолга айланди. Ёндашувлардаги фарқларга қарамай, аксарият танқидчилар миллий анъаналар ва Ғарб таъсири ўртасида мувозанатни топиш муҳимлигини тан олишади. Ушбу мунозара бугун ҳам долзарблигича қолмоқда. Миллий идентиклик муаммосини ҳал қилиш араб адабиётини янада ривожлантириш калитидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Islami City.Islam and Islamic History in Arabia and the Middle East. – URL: http://www.islamicity.com/

2. Mehrez Samia. Egyptian Writers Between History and Fiction / essays on Naguib Mahfouz, Sonallah Ibrahim, and Gamal al-Ghitani. — Cairo: The American University in Cairo Press, 1994. — 82 pp

3. Milson M. Najib Mahfuz, the Novelist-Philosopher of Cairo. — New York: St. Martin's Press, —133 бет

4. Jabra J. I. Modern Arabic literature and the West // Journal of Arabic Literature. — 1971. — № 2. — P. 87.

5. Islami City. (2016). Islam and Islamic History in Arabia and the Middle East. Retrieved from. — URL: http://www.islamicity.com/

6. Alkire S. Teaching literature in the Muslim world: A bicultural approach // Teaching English as a Second Language Electronic Journal. — 2007. — № 10(4). P 102.

7. Van Leeuwen R. The cultural context of translating Arabic literature // Cultural encounters in translation from Arabic / S. Faiq (Ed.). — Clevedon, Multilingual Matters, 2004. — P. 14–25.

8. Hughes M. A. (2011). Representations of identity in three modern Arabic novels. Colonial Academic Alliance Undergraduate Research Novel, Retrieved from. — URL: http://publish.wm.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1038&context=caaurj.

9. Tag-El-Din D. Resisting Patriarchy through Literature: The feminist writings of Nawal El Saadawi and Hanan Al-Shaykh. — Windsor (Canada): University of Windsor, 2009. — 22 с.

10. Amireh A. Framing Nawal El Sadaawi: Arab feminism in a transnational world // Signs. — 2000. — № 26(1). — P. 27.

11. URL: https://www.textologia.ru/literature/istor-liter-centr-zapad-azii/arabskaja-literatura/literaturnaya-kritika-i-poetika-ixxiii-vv/4239/?q=471&n=4239

12. Khilola A. Yuldasheva. (2024). Exploring the ideas of identity in arabic literature: the interplay of tradition and transformation. International Scientific and Current Research Conferences, 1(01), 137–141. Retrieved from https://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/1546

13. Dr. Khilola A. Yuldasheva, (2023). The ideological role of the arabic language in forming national identity. European International Journal of Philological Sciences, 3(10), 14–18. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/eijps/article/view/25630

14. Khilola A. Yuldasheva. (2024). Exploring the ideas of identity in arabic literature: the interplay of tradition and transformation. International Scientific and Current Research

Conferences, 1(01), 137–141. Retrieved from https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/issue/view/37

15. Dr. Khilola A. Yuldasheva. (2023). The ideological role of the arabic language in forming national identity. European International Journal of Philological Sciences, 3(10), 14–18. Retrieved from. https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/issue/view/37